

Qishloq hayoti

2016 йил

Соғлом она ва бола йили

Қишлоқ ҳаёти

О'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2016-ЙИЛ 13-ФЕВРАЛ, ШАНБА, 19 (8570)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.

Президентимиз Ислам Каримов раислигида 11 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

СОҒЛОМ ХАЛҚ, СОҒЛОМ МИЛЛАТ БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ

Давлатимиз раҳбари Жамғарма ташкил этилган буён, хусусан, 2015 йилда амалга оширилган ишлар ва уларнинг аҳамияти тўғрисида атрофлича фикр юритди.

– Биз катта оруз-ниятлар билан 2002 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этган эдик, – деди Юртбошимиз. – Мана, ордан 14 йил ўтди. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун биз нафақат 2015 йилда, балки ана шу ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизга ҳам тўхталсак ўринли бўлади. Болалар спортини ривожлантириш, уни давлат сиёсати даражасига кўтариш мақсадида махсус Жамғарма ташкил қилиб, ўз олдимишга қўйган вазифаларни адо этишда биз нималарга эришганимиз ҳақида, қандай хулосалар чиқаришимиз зарурлиги ҳақида гаплашиб олсак, айни муддао бўлар эди.

Биринчидан, фарзандларимиз, ёш авлодимизни болалигидан бошлаб спорт билан ошно қилиш, уларнинг қалбида спортга ҳавас ва меҳр уйғотиш, уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашни мазкур Жамғарманинг асосий вазифаси сифатида тасдиқлаб олганимиз ҳаммаимизга яхши маълум. Фарзандларимизни болаликдан – асосан мактаб ёшидан бошлаб спортни ўзининг ҳаётдаги доимий ҳамроҳи деб билиши, улар умрбод спорт билан дўст бўлиб қолишини, бунинг учун барча шароит ва имкониятларни барпо этишни ўзимизга мақсад қилиб қўйган эдик.

Мажлисда шу борада мамлакатимизда эришилган натижалар аниқ рақам ва мисоллар асосида кўрсатиб ўтилди.

2005 йилда юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг 30 фоизи, жумладан, қишлоқ жойларда 29 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, 2015 йилда бу рақамлар тегишли равишда 57,2 фоиз ва 56 фоизни ташкил этгани кайд этилди. Бундай мисоллар мамлакатимиз бу борада катта ўсиш ва ўзгаришга эришганидан яққол далолат беради.

Иккинчидан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли ишларимиз натижасида ўғил-қизларимиз мунтазам шуғулланадиган спорт турларининг сони кескин равишда ошиб бормоқда. Масалан, айни шу

ёшдаги болалар 2005 йилда 43 турдаги машғулотларга қатнаган бўлса, бугунги кунда улар 59 спорт тури билан шуғулланаётгани бу соҳадаги ютуқларимиз нафақат сон жиҳатидан, балки сифат жиҳатидан ҳам ўсиб бораётганини кўрсатади.

Айниқса, фарзандларимиз биз учун мулақот йиғилиши бўлган бадиий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис, таэквондо, дзюдо, каратэ, ватерпол, эшак эшиш каби спорт турлари бўйича мунтазам шуғулланаётгани, қитъа ва жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, юқори шохсупларга кўтарилаётгани ҳар қандай одамни ҳайратда қолдиради, деди Президентимиз.

Илгари бугунгидай замонавий сузиш ҳавсалари, теннис кортлари ёки гимнастика заллари етти уҳлаб тушимизга ҳам кирмас эди. Мисол учун, сузиш деганда, ариқ ёки каналларда, оддий санитария талабларига ҳам жавоб бермайдиган лойқа сув ва ҳовузларда чўмилишни тасаввур қилар эдик. Бунинг оқибатида республикамиз аҳолиси, энг ёмони, болалар ўртасида оғир касалликлар ниҳоятда кўпайиб кетгани, оналар ва болалар ўлими бўйича Ўзбекистон собиқ иттифокда энг олдинги ўринларда тургани ҳам кегаги тарихимиздан яхши маълум.

Мустабид тузумдан мерос бўлиб қолган ана шундай оғир вазият туфайли 2000 йилда ҳар 100 минг боланинг 6 мингга яқини ўткир респираторли вирусли инфекцияларга, 576 таси пневмония, 449 таси бронхит, 310 таси сколиоз касаллигига чалинган эди.

Кейинги йилларда кенг қўламдаги иқтисодий, ижтимоий, маиший, тиббий ва бошқа чора-тадбирларни изчил жорий этиш, болалар спортини тизимли асосда ривожлантириш бўйича амалга оширган ишларимиз натижасида бугунги кунга келиб спорт билан шуғулланадиган 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларимиз ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекциялар билан касалланиш 47,3 фоизга, пневмония бўйича 55,6, бронхит бўйича 61,7, сколиоз бўйича 45,5 фоизга камайгани биз эришган энг муҳим натижа сифатида албатта барчамизни қувонтиради, деб кайд этди Ислам Каримов. Бундай ижобий ўзгаришларни ҳар қайси ота-она ўз оиласи, ўз фарзандлари мисолида кўриб, спортнинг бу

борадаги таъсири ва аҳамиятини тобора чуқур англаб етмоқда.

Учинчидан, қиз болаларни оммавий спортга жалб этиш борасидаги амалий ишларимиз ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтишимиз зарур. Бу кўрсаткичлар 2005 йилда 24 фоизни, жумладан, қишлоқ жойларда 22 фоизни ташкил этган, холос. Бугунги кунда қиз болаларнинг 47 фоизи, қишлоқ жойларда эса 44,7 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланиб келаётгани барчамизга мамнуният етказди.

Вилоятлар миқёсида олиб қараганда, 2015 йилда қиз болаларнинг спорт билан шуғулланиши Фарғона вилоятида 47,6 фоизни, Наманган вилоятида 47,5, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида 47,4 фоизни ташкил этгани эътиборга лойик, албатта.

Бу ишларни янада изчил давом эттиришимиз керак, деди Президентимиз. Чунки қизларимиз тимсолида биз **авваламбор бўлғуси оналарни, халқимиз, миллатимизнинг умиди ва таянчи ҳисобланган келажак авлодни дунёга келтириб, вояга етказадиган наслимиз давомчиларни кўраемиз**. Қиз бола соғлом ва бахтли бўлса, у қурайдиган оила ҳам, унинг меvasи бўлиши бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади. Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият бахтли ва фаровон бўлади. Буни ҳеч қачон эсимиздан чикармалигимиз зарур.

Қизларимизни спортга қизиқтириш, улар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида аёл мураббийлар тайёрлаш мақсадида алоҳида эътибор қаратиб, бу борада махсус қарорлар қабул қилганимиз ўз саматини бермоқда, деди давлатимиз раҳбари. Илгари спорт соҳасида аёл мураббийларни топиш қийин эди. Қишлоқ жойларда бундай мутахассислар деярли йўқ эди.

Ана шуларнинг барчасини инобатга олиб, юксак малакали спорт мураббийлари, жумладан, хотин-қиз мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича юртимизда янги, самарали тизим жорий этилган бугунги кунда ўз натижасини бермоқда. Бунинг тасдиғини **2015 йилда спорт бўйича мураббий ва ўқитувчилар 2005 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайганида, жумладан, аёл спорт устозлари 3,8 баробар ошганида кўриш мумкин.**

(Давоми 2-саҳифада)



ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК САРИ

Қарши шаҳридаги 41-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг яқинда фойдаланишга топширилган янги спорт зали Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблаглари ҳисобидан барпо этилди. Замонавий тарзда жиҳозланган масканда баскетбол, волейбол, қўл тўпи, гимнастика, мини футбол, стол тенниси, кураш каби спорт турлари бўйича тўғарақ машғулоти йўлга қўйилди. Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА — МАМЛАКАТИМИЗ ТАЯНЧИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ ТАҚЛИФИ БИЛАН 2016 ЙИЛ
МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ ДЕВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

“Соғлом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон кенг асосини қуриш дегандир”.

Давлатимиз раҳбарининг 1994 йил 2 май куни Ўзбекистоннинг биринчи давлат мукофоти – “Соғлом авлод учун” орденини топшириш маросимида айтган ушбу теран маъноли сўзлари оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг тарбияси ва жисмоний тарбияси, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришга асосий йўналишни белгилаб берди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Утган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қўлай шарт-шароитлар яратилган доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, изчил ишлар амалга оширилди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 1998 йил Оила йили, 2000 йил Соғлом авлод йили, 2001 йил Она ва бола йили, 2008 йил Ёшлар йили, 2012 йил Мустаҳкам оила йили, 2014 йил Соғлом бола йили, деб эълон қилинган ҳамда шу муносабат билан тегишли давлат дастурларининг бажарилгани бу борадаги эзу ишларга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунинг самарасида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Соғлом она – соғлом бола” концепцияси халқроқ миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ушбу концепциянинг изчил амалга оширилиши туфайли кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

нинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди.

Ўзбекистонда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда ҳам бу борадаги изчил ишлар давом эттирилиб, янада кенгайтирилади.

2016 йил 9 февралда Президентимиз Ислам Каримов томонидан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тасдиқланди. Унда “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, биялаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришга асосий йўналишни белгилаб берди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Утган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қўлай шарт-шароитлар яратилган доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, изчил ишлар амалга оширилди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 1998 йил Оила йили, 2000 йил Соғлом авлод йили, 2001 йил Она ва бола йили, 2008 йил Ёшлар йили, 2012 йил Мустаҳкам оила йили, 2014 йил Соғлом бола йили, деб эълон қилинган ҳамда шу муносабат билан тегишли давлат дастурларининг бажарилгани бу борадаги эзу ишларга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунинг самарасида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Соғлом она – соғлом бола” концепцияси халқроқ миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Ушбу концепциянинг изчил амалга оширилиши туфайли кейинги беш йилда мамлакатимизда ҳар 100 минг чақалоққа нисбатан оналар ўлими 23,1 дан 19 тага, 5 ёшгача бўлган болалар ўлими 14,8 тадан 13,9 тага, чақалоқлар ўлими 11 тадан 10,7 тага камайди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

нинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига тўлиқ эришди. Ўзбекистонда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда ҳам бу борадаги изчил ишлар давом эттирилиб, янада кенгайтирилади. 2016 йил 9 февралда Президентимиз Ислам Каримов томонидан “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тасдиқланди. Унда “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, биялаш, уларда Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиришга асосий йўналишни белгилаб берди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Утган йиллар давомида миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ва узоқ умр кўриш даражасини ошириш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияси учун қўлай шарт-шароитлар яратилган доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, изчил ишлар амалга оширилди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда 1998 йил Оила йили, 2000 йил Соғлом авлод йили, 2001 йил Она ва бола йили, 2008 йил Ёшлар йили, 2012 йил Мустаҳкам оила йили, 2014 йил Соғлом бола йили, деб эълон қилинган ҳамда шу муносабат билан тегишли давлат дастурларининг бажарилгани бу борадаги эзу ишларга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

марказлари (гуруҳлари)ни ташкил этиш кўзда тутилган қарорини қабул қилиш режалаштирилмоқда.

2016 йилда чекка қишлоқ туманларида яшаётган аҳоли, биринчи навбатда, хотин-қизлар учун зарур ижтимоий, маиший ва тиббий шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектилари барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш борасидаги ишлар изчил давом эттирилади.

Ўзбекистоннинг олис қишлоқларида 194 маиший хизмат кўрсатиш намунавий комплексини ташкил этиш дастурини тасдиқлаш, уларнинг таркибига “Гўзаллик салонлари”, модалар ательеси, маиший электр техникаси, пойабзал таъмирлаш хизматлари кўрсатиш шох-шохагарини киритиш, ушбу мақсадлар учун банк кредитлари ҳамда ер участкалари ажратилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорини қабул қилиш мўлжалланмоқда. Олис ва бориш қийин бўлган қишлоқ худудларида яшаётган кам таъминланган оилалар бекаларига маиший электр техникаларини бепул тақдим этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, ушбу худудларда истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига катталар ва болалар кийимлари берилади.

Давлат дастурида мамлакатимиз қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида 13 мингга уй-жой барпо этиш, узунлиги 296,3 километрлик электр ва 307,5 километр газ таъминоти тармоқлари қуриш кўзда тутилган. Шунингдек, қишлоқ жойларда 1,3 минг километрдан ортиқ, жумладан, замонавий қишлоқ массивларида 300,5 километрлик ичимлик суви тармоғини барпо этиш ҳисобидан аҳоли пунктларини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш ишлари давом эттирилади.

Жорий йилда тиббиёт муассасалари, хусусан, перинатал ва скрининг марказларининг моддий-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2016 ЙИЛ 5 МАРТ ШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2016 ЙИЛ 7 МАРТ ДУШАНБА КУНИГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқро хотин-қизлар кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2016 йил 5 март шанба дам олиш куни 2016 йил 7 март душанба кунига кўчирилсин;

2016 йил 5 март шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2016 йил 12 февраль

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

РЕКЛАМА ХУКУКИДА

КАФОЛАТЛИ ОМОНАТ ДАРОМАД КЕЛТИРАДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2008 ЙИЛ 20 ФЕВРАЛДАГИ "ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ ШАРТЛАРИНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА "МИКРОКРЕДИТБАНК" АКЦИЈАДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ТОМОНИДАН ФАОЛ ИШЛАР ОЛИВ БОРИЛМОҚДА.



Бугунги кунда ушбу банкда аҳоли учун қулай бўлган "Пойдевор", "Адолат", "Самара", "Жозибба", "Омад", "Фаровон ҳаёт", "Ёшлик", "Оила жамғармаси" деб номланган 19 турдаги жозибдор омонатлар жорий этилган бўлиб, шундан 16 турдаги омонатлар миллий валютада ва 3 турдагиси эса хорижий валютада қабул қилинмоқда.



пластик карточкалар сони 959 395 тани ташкил қилиб, ўтган йил бошига нисбатан 40 фоизга ёки 274 272 донага кўпайди. Шундан оғайлик Иш ҳақи лойиҳаларига йўналтирилган пластик карточкалар сони 815 486 тага етказилди. Ўрнатилган тўлов терминаллари сони 12810 тани, пластик карточкаларда маблағлар қолдиғи эса 112,9 миллиард сўмни ташкил этди.

Президентимизнинг 2008 йил 31 октябрдаги "Аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан аҳоли-

нинг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилиш борасида тижорат банкларини рағбатлантириш, банкларнинг инвестицион фаолиятини кенгайтириш, уларнинг ресурсларини мустаҳкамлаш, энг муҳими, аҳолига кўрсатилаётган банк хизмати сифатини яхшилаш

мақсадида ҳар йили тижорат банклари ўртасида танлов ўтказиб келинмоқда. Жорий йилги танлов натижаларига кўра, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки учта асосий ва битта қўшимча номинацияда галиб деб топилди. Жумладан, "Пластик карточкалар асосида иш ҳақи лойиҳаларини амалиётга жорий этиш бўйича энг яхши банк филиали" номинациясида банкнинг Косонсой филиали биринчи ўринга муносиб кўрилди. "Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали" номинациясида банкнинг Пискент филиали "Муротали" минибанки биринчи, Оқтош филиали эса учинчи ўринни эгаллади. "Миллий валютадаги энг яхши жамғарма депозити" номинациясида банкнинг "Нуроний" жамғарма омонати галиб деб топилди. Ушбу ютуқлар банк тизимида бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат бермоқда.



ТОЗА ҲАВО БИЗНЕСИ

27 ёшли британиялик фермер Лео Де Уоттс бадавлат хитойликларга тоза ҳаво сотишни йўлга қўйди. Бу ҳақда "The Independent" нашри берган маълумотларга асосан TJournal хабар қилмоқда.

Фермер Британиянинг Сомерсет, Уэльс ва Дорсет ҳудудлари атрофида тўп-ланадиган тоза ҳаво билан тўлдирилган банкани 80 фунт стерлингга баҳоламоқда. Де Уоттс Хитойдаги экологик вазиятдан тadbиркорлик билан фойдаланишни биринчи бўлиб кашф қилмаган. Олдинроқ Канаданинг "Vitality Air" стартапи ҳам худди шу каби тижорат билан шуғулланган эди. Канада компанияси ҳам Пекинда тоза ҳаво жойланган баллончаларни муваффақиятли сотишга эришди. Бу ҳақда korrespondent.net хабар бермоқда. Компания раҳбарияти вакилларининг сўзларига қараганда, бу лойиҳа дастлаб ҳазил тарихида бошланган, бироқ бутилкаларнинг биринчи партияси Хитой пойтахти истеъмолчиларига орасида тезда сотилиб кетган. Канадаликлар Хитойда сотаётган ҳаво Шимолий Америкадаги Қояли тоғлардан тўлдирилган. Эслатиб ўтамиз, Пекинда 6 декабрь куни ҳавонинг ифлосланганлиги туфайли экологик хавфликнинг энг юқори – "қизил" даражаси эълон қилинган эди.



ЎРГАНГАН КҮНГИЛ ЎРТАНСА ҚҲЙМАС

Hozirchashu.com тарқатган хабарларга кўра, АҚШлик Жонатан Ли Ричес инсоният тарихида энг кўп судлашган фуқаро сифатида Гиннесснинг рекордлар китобидан жой олди.

Яъни у 2600 маротаба турли хил сабаблар билан судга мувожаат қилган. Узи ҳам бир неча маротаба судланган. Ҳаттоки жазони ўташ жараёнида ҳам турли сабаблар билан судга арзнома йўллаган. Энг қизиғи, яқинда у оғохлантирилган китобга киритгани учун Гиннесснинг рекордлар китобини ҳам судга берди.

СУҒУРНИНГ БАШОРАТИ ЁЛҒОН ЧИҚДИ

АҚШнинг Коннектикут штатидаги Саффлуд шаҳар полицияси Чаклс VII лақабли суғурни ёлғон башорати учун "Хибса олдди". У баҳор келгунга қадар ҳибсада қолиши таъкидланмоқда. Бу ҳақда fishki.net хабар қилмоқда.



Ушбу кемирувчи 2 февраль кунини нишонланган Суғур кунда ёлғон гапирганлиқда айбланмоқда. Яъни суғур баҳор фаслининг эрта келишини башорат қилгандан бир неча кун ўтиб, Коннектикут штатини қорли бўрон босиб қолди. Энг қизиғи, Суғур кунда АҚШнинг Пенсильвания штати Панкстони шаҳрида Фил лақабли суғур ҳам бу йил баҳор фаслининг эрта келишини башорат қилган эди.


ИНСОНИЯТ ТАРИХИДА БИРИНЧИ

Ҳиндистоннинг Веллур шаҳридаги муҳандислик коллежи биноларидан биринчи қилинган келиб тушган метеорит бир кишининг ўлимига сабаб бўлди.

Ҳалок бўлган киши ўқув муассасасида автобус ҳайдовчиси бўлиб ишлаган. Метеорит тушиши сабабли рўй берган портлаш натижасида у вафот этган. У самовий жисм қурбонига айланган Ер юзидоги биринчи инсондир, дея хабар бермоқда thehindu.com. Таъкидланишича, бунаҳа Ерга келиб тушган метеоритлар (ёки бошқа шундай жисмлар) одамлар ўлимига сабаб бўлган ҳолатлар қайд этилган.

ҚОПҚОН МУЗЕЙДА ҲАМ ҚОПҚОН

Британиядаги Қишлоқ ҳаёти музейида (Museum of English Rural Life) 155 йил олдин ишлаб чиқарилган ва сичкон овлашга мўлжалланган қопқон ишга тушиб кетган. Бу ҳақда mya-planet.ru хабар қилмоқда.



Ридинг университетини худудида жойлашган музейда 100 йилдан бери ишлатилмаган қопқон намойишга қўйилган эди. Музей ва университети мутахассислари сичкондан тулум ясаб, уни хозирга қадар яроқли эканлигини исботлаш учун қопқоннинг ёнига қўйишга қарор қилди. Унга эса озуқа излаб кирган сичкон тушиб қолди. Перпетуал (доимий, абадий) деб номланган ушбу қопқон британиялик Колин Пуллингтон томонидан яратилган. Қурилманинг дизайни учун 1861 йилда патент берилган. Seesaw механизми асосида ишлайдиган қопқон ичига кириб қолган сичконни ўлдирмасдан, панжаранинг ичига қамаб қўяди. Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Эълонлар

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

«EKSPRESS INFORM SAVDO» РИЭЛТОРЛИК АГЕНТЛИГИ

Сизларни бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг 2016 йил 10 февралдаги 27/ас-ер сонли буйруғига асосан 2016 йил 15 март куни соат 11:00 да Наманган шаҳри Навоий кўчаси 10-уйда очик аукцион савдоси ўтказилади. Савдога қуйидаги объектлар қўйилмоқда: Наманган тумани ҳокимининг 29.11.2014 йилдаги 1139-сонли қарорига асосан Наманган тумани "Ирвадон" ҚФЙ "Ижодкор" ММТП ҳудудидан ҳар бирининг сатхи 0,04 га бўлган 48 дона (1 дан 48 гача) ер участкалари. 1 дона ер участкасининг бошланғич нархи 500 000 (беш юз минг) сўм, закатал пули 125 000 (бир юз йигирма беш минг) сўм.

1 дона ер участкасининг бошланғич нархи 310 000 (уч юз минг) сўм, закатал пули 200 000 (икки юз минг) сўм. Ер майдонлари билан боғлиқ, сув билан таъминланганлиги, рельефи, табиий, санитария-экология, тарихий ва маданий мерос муҳофазаси, иссиқлик, газ, электр таъминоти, алоқа воситалари, канализация билан боғлиқ шартлар, транспорт коммуникациялари, шунингдек, ер участкасининг бошқа узига хос шартлар каби қўшимча маълумотлар учун Наманган шаҳри Навоий кўча-

сини 10 уй (Мўлжал: "Ўзагроосуғрта" Наманган филиали биноси ёнида) га мувожаат қилишингиз мумкин. Телефон: (0-369) 227-20-23. 2016 йил 16 март кунги очик аукцион савдоларига сотилмаган ер майдонларининг такрорий савдоси 2016 йил 23, 30 март ва 6 апрель кунлари соат 11:00 да юқорида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истакдагилар талабгорлардан ариза-ларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Савдога қатнашиш учун закатал пу-

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 13-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади

Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги "Автобод" канални реконструкция қилиш. Объектнинг бошланғич нархи: ҚҚС билан 1749,481 млн. сўм, ҚҚСсиз 1457,901 млн. сўм. Ишларни бажариш муддати – 240 кун. Бюджет: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 13-сон қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси. Манзили: Термиз шаҳри Маллик Қаҳор кўчаси 10-уй. Тел.: 223-34-41, 222-75-29 ф. Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш – Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштирилган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рўхсат этилади. Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар куйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи микродоридга айланма маблағларнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектнинг танлов савдосида офертлар баҳоланиб, курсаткилар тенг бўлганда, устунилик кичик бизнес субъектларига берилади. Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – "Давархитектуриш" қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мувожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36А-уй. Телефон/факс: (0-376) 223-44-73, 223-44-78 ф. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 120 000 сўм. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириг мuddати – офертлар очилиши кунини ва соатига. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36А-уйда ўтказилади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРҮИда (реестр № 005910-07, 06.11.2015 й.) Янгибод т. Закировка 1-тор кўч. 28-уй манзили бўйича рўйхатга олинган "FORPUBGACHIK BUSINESS" оилавий корхонаси (СТПР-303486225) тугатилди (Ушунинг учун тугатиш тўғрисидаги 12.02.2016 й.даги 1-сонли баённома). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 357-53-53 тел. орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳокими Маҳмадасиннинг қўшимча мулоҳизаси ва ҳусусийлаштириш беш бошқармаси томонидан 14.12.1992 й. да № 04-01/715 рақам билан Мельников Геннадий Геннадьевич номига Тошкент ш. М.Улубеков т. Пушкин кўч. 86 а уй 9 хонадон учун берилган уй-жойни шахсий мулк эгаллигини тасдиқловчи Давлат даъволатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"ICE MILLENNIUM" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "ICE MILLENNIUM" оилавий корхонасига ўзгартирилди.

Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРҮИда (27.11.2014 й., реестр № 007841-05) рўйхатга олинган "METROLOG PLUS" МЧЖнинг (СТПР 303102123) фаолияти 30.12.2015 й.даги 3-сонли қарорига асосан (630-норар билан иктирий) тугатилди. Давалор 2 ой мобайнида (90) 566-65-98 тел. орқали қабул қилинади. Манзил: Олмазор т. 2-тор Мевзоро кўч. 35-уй.

Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРҮИда (05.03.2014 й., реестр № 007263-05) рўйхатга олинган "XOSIYATXON ZYODAKHON" МЧЖнинг (СТПР 302855080) фаолияти 10.02.2016 й.даги 5-сонли қарорига асосан (630-норар билан иктирий) тугатилди. Давалор 2 ой мобайнида (91) 153-33-55 тел. орқали қабул қилинади. Манзил: Олмазор т. Қора-қамиш 1/2, мазоаси 11-А уй 31-хонадон.

Тошкент ш. Сергели т. кадастр хизмати томонидан Пиров Муҳиддин Раҳматович номига Сергели-7 Г-24 5-уй 35-хонадон учун берилган уй плани ҳамда 03.05.1993 й.да берилган 06-01/10927 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"ART PROFIT" МЧЖнинг (СТПР 205840097) Устав фонди 420 680 000 сўмдан 192 030 250 сўмгача камайtirилди. Манзил: Юнусбод т. 14-мавзое 36 А уй 57-хонадон.

БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

7-сон қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси 2016 йил «МАНЗИЛЛА ДАСТУРИ»ГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

"Жиззах вилоятидаги ирригация тармоқларини реконструкция қилиш (Арна-сой, Дўстлик ва Зомин)". Бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 2 436,328 млн. сўм, ҚҚС билан 2 923,594 млн. сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 2017 йил 30 июнча. Молиялаштириш Давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бюджетнинг манзили: Жиззах шаҳри Бешқувур кўчаси 56-уй (7-сон ҚКБД биноси). Телефон: (0-372) 226-91-60, 226-91-77. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан кўп бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шартларда кичик бизнес субъектларига устунилик берилади. Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштирилган ушбу объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар иштирок этишларига рўхсат берилади. Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 фоизи микродоридга айланма маблағларига еки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий им-

"Узтрансгаз" акциядорлик компаниясида 07.09.2009 й.да берилган марказий аппарат босқичининг № 5-162/2009 реестр рақамли № 105910102044 рақамли кадастр хизмати ҳамда 09.07.2009 й.да берилган ТА № 0796037 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Тошкент ш. Учтепа т. ТСРҮИда (13.08.2012 й., реестр № 005300-01) рўйхатдан ўтган "SBS-PROMTEXSERVIS" МЧЖнинг (СТПР 300383014) Устав фонди 307 658 000 сўмдан 257 658 000 сўмгача камайtirилди. Тошкент ш. Учтепа т. ТСРҮИда (13.08.2012 й.) реестр № 005300-01) рўйхатдан ўтган "SBS-PROMTEXSERVIS" МЧЖнинг (СТПР 300383014) Устав фонди 307 658 000 сўмдан 257 658 000 сўмгача камайtirилди. "OLIMHON BUSINESS" ХҲга ўзгартирилди ва унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. "OLIMHON BUSINESS" ХҲга тегишли 07.02.2014 сонли давлатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти томонидан 1989 й.да Альтман Замир Вениаминович номига берилган ПВ № 819027 рақамли (т/р 34156) диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Тошкент ш. Ҳамза т. кадастр хизмати томонидан Юсупов Рустам Намасович номига Ҳамза т. Фарғона йўли кўч. 2-бەрк. 15 А уй учун берилган уй плани йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

